

**ҲОКИМИЯТ ВАКИЛИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ИЧКИ ИШЛАР
ОРГАНЛАРИ ХОДИМИНИ ҲАҚОРАТ ҚИЛГАНЛИК УЧУН ЖИНОИЙ
ЖАВОБГАРЛИКНИ БЕЛГИЛАШ: ТАРИХИЙ, ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

Жалилова Озода Ўлмас қизи

Бухоро шаҳар ИИО ФМБ ТБ терговчиси катта лейтенант

Аннотатсия

Ҳокимият вакили вазифасини бажарувчи Ички ишлар органлари ходимининг нуфузи, Ички ишлар органлари ходимини ҳақорат қилганлик учун жиноий жавобгарликни белгилашнинг криминологик жиҳатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар

Ички ишлар органлари ходимлари, Ички ишлар органи ходимини шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш, ҳақорат қилиш, хизмат бурчи, фуқаролик бурчи, жисмоний шахс, юридик шахс, шон-шараф, ҳақорат қилиш жиноятини тергов қилиш тартиби.

Аннотатсия

Престиж сотрутника полиции, который является чиновником, криминологические аспекты криминальной ответственности, проанализированные для оскорбления сотрудника правоохранительных органов.

Ключевые слова

Внутренние агентства, оскорбительный, служебный обязанности, гражданское достоинство сотрудников правоохранительных органов, физическое лицо, юридическое лицо, слава, процедура расследования.

Абстракт

Internal affairs agencies, insult, analysis of the honor and dignity of the citizen, life, freedom and reputation of business and the criminological gibates of the crime of slandering against him were analyzed.

Кейворд

Internal affairs agencies, liability for distributing a person, citizen, dignity, slander, violence, fabrics, libel, individual, legal entity, procedure for investigating fame, insecurity of slander.

Тарих шуни кўрсатадики, давлат ва ҳокимиятсиз жамиятнинг мавжудлиги, агар ижтимоий борлиқнинг мақбул вариантларидан бири "ҳамманинг ҳаммага қарши уруши" деб ҳисобланмаса, шунчаки имконсиздир. Дарҳақиқат, жамиятда тартибни таъминловчи умумий куч маркази мавжуд бўлгани учунгина шахслар ўртасидаги муносабатлар тартибсизликка айланиб қолмайди. Иқтисодий муносабатларнинг ўта мураккаблиги, шаҳарларда жуда кўп одамларнинг тўпланиши, уларнинг ҳаётини таъминлаш тизимларининг ишлаши умумий қоидалар ва меъёрларнинг мавжудлигини талаб қилади, уларнинг мажбурий бажарилиши фақат давлат ҳокимияти томонидан қафолатланади. Демак, ҳокимият давлатнинг асосий ва энг ёрқин белгисидир.

Шу билан бирга, давлатда ҳокимият ва бошқарув аппаратининг мавжудлиги ўз-ўзидан мақсад эмас. Ижтимоий функцияларни амалга ошириш учун унга куч керак, чунки жамият билан ўзаро алоқасиз давлат барча маъносини йўқотади. Белгиланган функцияларни бошқарув жараёнлари ёрдамида амалга ошириб, давлат жамиятни ташкил қилади, унинг барча аъзоларини бирлаштиради. Бу давлат органларининг келишилган иши жамиятнинг унда ривожланаётган муносабатларга уларни тартибга солиш ва тизимли ривожлантириш мақсадида ташкилий ва нуфузли таъсир кўрсатишга бўлган объектив эҳтиёжини қондириши билан боғлиқ.

Маълумки, давлат ўз вазифаларини амалга ошириш учун моддий ресурслар ва шахсий бошқарув штабига муҳтож. Ҳар қандай давлат ҳокимияти икки устунга – куч ва розиликка (макиавеллик кентавр) таяниши ҳам маълум. Бу устунлардан бирортасининг йўқолиши давлатнинг кулаши бошланишидир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилиш соҳасидаги давлат органлари мансабдор шахсларининг бошқарув фаолиятига тажовузлар давлат ҳокимиятининг "ҳокимият" таркибий қисмини йўқ қилади. Бу жиноятлар давлат аппаратининг айрим бўғинларининг нормал фаолиятига путур етказиш ёки бундай ҳуқуқбузарликнинг реал хавфини юзага келтириш орқали давлатнинг ижтимоий жараёнларни бошқаришдаги фаолияти самарадорлигини сезиларли даражада сусайтиради ва давлат ҳокимиятини обрўсизлантиради. Бундай тажовузларнинг улуши йилига уч ярим мингдан беш минггача ўзгариб туради, бу ҳукумат тартибига қарши барча жиноятларнинг чорак қисмини ташкил этади. Шунинг учун давлат - қонуний зўравонликдан фойдаланиш бўйича монополияга эга бўлган сиёсий бирлашма ўз ҳокимиятини тартибга солишнинг тартибсизлигига жуда

каттиқ муносабатда бўлиб, иккинчисини мажбурлашнинг энг ўткир шакли - жиноят қонуни ёрдамида таъминлайди.

Давлат ҳар доим ўз хизматида бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашга, шу жумладан турли ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликни белгилашга интилади. Давлат номидан ўз вазифаларини бажараётган давлат хизматчиларига бўлган тажовузлар, аслида, давлатнинг ўзига қарши қаратилган бўлиб, унинг органларининг нормал фаолият кўрсатиши соҳасидаги муносабатларни бузади.

Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи органлар тизимида муҳим рол ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ва биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бўлинмаларига тегишли. Ижтимоий нуқтаи назардан Ички ишлар органлари ходимларининг фаолияти ўз кўлами ва хусусиятига кўра ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ижроия ҳокимиятининг ушбу вакиллари бошқаларга қараганда кўпроқ фуқаролар билан алоқада бўлишади, зиддиятли вазиятларга дуч келишади ва уларнинг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатадилар.

Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-407-сон Ички ишлар органлари тўғрисидаги Қонунининг 2-моддасида Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактикасида иборат эканлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари тўғрисидаги Қонунининг 10-моддасида Ички ишлар органи ходими қонуний талаблари бажарилишининг мажбурийлиги белгиланган бўлиб, унда Ички ишлар органи ходимининг ўз ваколатлари доирасида қўйилган қонуний талабларини, шу жумладан қонунга риоя этиш, ҳужжатларни, текширувлар материалларини ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, мутахассис ажратиш, Ички ишлар органига келиш ҳамда аниқланган қонунбузарликлар тўғрисида тушунтиришлар бериш тўғрисидаги, қоидабузарликларни, шунингдек уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақидаги қонуний талабларини барча давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир. Ички Ишлар органи ходимининг қонуний талаблари устидан шикоят қилиниши уларнинг бажарилишини тўхтатиб турмайди.

Ушбу Қонуннинг 34-моддасида Қонун билан ваколат берилган шахслардан ташқари ҳеч ким ички ишлар органи ходимининг қонун билан билан ички ишлар органлари зиммасига юклатилмаган мажбуриятларни бажаришга мажбурлаш ҳуқуқига эга эмаслиги белгиланган.

Халқаро ҳуқуқ нормалари ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсоннинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқини, шунингдек, кадр-қимматни камситувчи муносабатни тақиқлашни мустаҳкамлайди. Ушбу қоидалар Ички ишлар органларининг ҳар қандай ходимиға шахс ва фуқаро сифатида тўлиқ тааллуқдир. У ижро этувчи ҳокимият вакили вазифасини бажараётган ҳолларда, унинг шаъни ва кадр-қимматини камситиш, айниқса, чидаб бўлмас ҳолга келади, чунки унинг шахсида, моҳиятига кўра, давлатнинг обрў-еътибори камситилади.

Хўш ҳақорат қилиш ўзи нима, қандай сўзлар ҳақоратли сўзлар деб топилади ва унга нисбатан жавобгарлик қандай белгиланган?

Шахсни ҳақорат қилганлик учун Ўзбекистон Республикасида маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш бўлиб, унга кўра шахснинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш деганда, инсонга нисбатан уни қоралашга йўналтирилган салбий баҳо берилиши тушунилади. Ҳақорат турли кўринишларда ва усулларда намоён бўлади. У фақат оғзаки, ёзма, бевосита тегмасдан тана ҳаракатлари орқали (жабрланувчи тарафга қараб туфлаш, хунук қилиқлар билан ва ҳ.к) ва бевосита тегиш билан тана ҳаракатлари билан, лекин жабрланувчига жисмоний зарар етказмасдан (итариб юбориш, кийимларини йиртиш ва ҳ.к) содири этилиши мумкин. Аксарият ҳолларда, шахснинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш бевосита рўй беради. Лекин у билвосита, жабрланувчининг йўқлигида ҳам бўлиши мумкин. Уятсиз шаклда дегани, ҳар бир муайян ҳолатда суд томонидан белгиланадиган, жамиятда қабул қилинган одоб-ахлоқ қоидаларига ва муомала маданиятига зид тарзда ифодаланган шахс билан уятсиз муомала қилиш тушунилади. Ҳақорат учун жавобгарлик масаласининг ҳал қилинишида, фақатгина ҳақоратланган шахснинг реакциясидан келиб чиқиб бўлмайди, бу реакция шахс ўзини юқори даражада яхши кўриши сабабли вужудга келиши мумкин. Ҳар қандай таҳқирлаш ҳақоратни ташкил этавермайди, фақатгина шаън ва кадр қимматни таҳқирласа ва номақул кўринишда ифодалангандагина, ҳақорат ҳисобланиши мумкин. Тўғри ифодаланган танқид, ҳақоратни ташкил қилмайди. (Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексиға махсус қисм шарҳ. М.Рустамбоев.2016.)

Жиноят ҳуқуқи назариясида ҳақоратнинг “оммавийлиги” масаласи ўта мунозарали бўлиб қолмоқда ва аниқ талқинни олмаган. Ушбу жиноятнинг объектив ва субъектив элементлари ва белгиларининг мазмуни, шу жумладан жабрланувчининг шахси, жиноий қилмиш шакли, уни содир этиш сабаблари ва бошқалар бўйича олимларнинг позитсияларида бирлик йўқ.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти вакили ҳисобланган ички ишлар органилари ходимларини ҳақорат қилганлик учун ва уларни обрўсизлантириш учун уйдирмалар тарқатиш бўйича алоҳида маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаш бўйича алоҳида моддалар мавжуд эмас. Лекин жаҳон тажрибасини кузатадиган бўлсак, ҳокимят вакили ҳисобланган ички ишлар органи ходимини ҳақорат қилганлик ва уни обрўсизлантирганлик учун алоҳида маъмурий ва жиноий жавобгарлик мавжуд бўлиб, унга нисбатан қўлланиладиган жазо ҳам оғирлаштирилган.

Россия Федерацияси Жиноят Кодексининг 319-моддасида Давлат мансабдор шахсини ҳақорат қилганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра Ҳокимят вакилини ўз хизмат вазифаларини бажараётганида ёки уларни бажариш муносабати билан омма олдида ҳақорат қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. (Россия Федерацияси Жиноят кодекси.13.06.1996 йил) ва моддасирнинг шахри тўлиқ тарзда Россия Федератсияси Олий суди пленумида берилган.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, давлат амалдорини ҳақорат қилиш жуда кенг тарқалган жиноий ҳаракатдир. Россия Федератсияси Жиноят кодексининг 319-моддаси бўйича рўйхатга олинган жиноятлар сони 2010-2021 йилларда этарлича барқарор бўлиб қолмоқда: 2010 йилда - 12811, 2011 йилда - 11919, 2012 йилда - 13633, 2013 йилда - 130714, 130714, - 12854, 2016 йил - 13707, 2017 йил - 13932, 2018 йил - 13539, 2019 йил - 13358, 2020 йил - 12600, 2021 йил - 86001. Россия Федератсияси суд статистикасига кўра, ушбу жиноятлар қуйидаги 2 йилда содир бўлган: - 11 010 киши (жами маҳкумларнинг 1,3 фоизи), 2011 йил - 10 111 киши (1,2%), 2012 йил - 9059 киши (1,2%), 2013 йил - 9108 киши (1,2%), 2014 йил - 1915 киши (10,1%), 9166 киши (1,2%), 2016 йил - 11581 киши (1,7%), 2017-йил - 11632 киши (1,7%), 2018-йил - 11342 киши (1,7%), 2019-йил - 10422 киши (1,7%), 2020 киши (1,7%) -8. 2021 йил - 6786 киши (1,2%)² (1-илова).

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида эса давлат мансабдор шахсини ҳақорат қилганлик учун Жиноят кодексида алоҳида модда киритилмаган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида Ички ишлар органи ходимини ҳақорат қилганлик учун тўғридан тўғри жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг

140-моддаси ҳақорат қилиш жинояти бандида кўрсатиб ўтилган ҳолос. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 140-моддаси 3-қисм “а” бандида жабрланувчининг ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда ҳақорат қилиш жиноий жавобгарлиги белгилайди. Бу жиноят давлат ҳокимиятига қарши қаратилган бўлиб, биринчи навбатда давлат органларининг нормал фаолиятига ва уларнинг ваколатларига тажовуз қилади. Давлат мансабдор шахсига қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик давлат ҳокимияти органларининг ҳуқук-тартиботни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда меъёрий фаолиятини таъминлаш истаги билан белгиланади.

Ушбу мақоладан кўзланган мақсад, Ўзбекистон Республикасида жамоат тартибини, инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний ҳимоя қилувчи Ички ишлар органи ходимларнинг фаолиятни қонуний жиҳатдан ҳимоя қилишга ва уларнинг нормал фаолият юритишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай тўсиқларни бартараф этишга қаратилган нормаларни яънада хориж тажрибасини ўрганган ҳолда такомиллаштириш ва етарлича таҳлилларни олиб боришдан иборат.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Расмий матн: 2023 йил 30 апрель ҳолатига кўра.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. 1994 йил -22 сентябрь
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодекси 1994 йил 22-сентябрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Расмий матн: 2023 йил 30 апрель ҳолатига кўра.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм/М.Рутамбаев.- Тошкент:“Юридик адабиётлар паблиш”. 2023 йил
7. Россия Федерацияси Жиноят кодекси.13.06.1996 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-407-сон Ички ишлар органлари тўғрисидаги Қонуни.